O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI ANDIJON VILOYATI
XO'JAOBOD TUMANI HOKIMINING

Q A R O R I

2021 - yil 31 - dekabr 130-1-27-Q/21 Xo'jaobod tumani hokimligi

Хўжаобод туманидаги умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларига йўл белгилари ўрнатилишига рухсат бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 10 апрелдаги "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги ЎРҚ-348-сонли *Қ*онун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 декабрдаги "Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 370-сонли қарори ижросини таъминлаш, Хўжаобод тумани ҳудудидан кесиб ўтувчи автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг тирбандликлар юзага келишини олдини олиш, пиёдалар ва транспорт воситаларининг ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, Хўжаобод тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2021 йил16 декабр кунги алоқа хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Хўжаобод тумани йўллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2021йил 16 декабр кунги алоқа хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан:

- Хўжаобод тумани, Навоий МФЙ, Навоий кўчаси туман прокуратураси маъмурий биносининг олди қисмига (ПК 0+500 км) 1 дона 3.27 "Тўхташ тақиқланган" йўл белгиси ўрнатилишига рухсат берилсин.

3. Туман йўллардан фойдаланиш Унитар корхонаси (Д.Қосимов)га мазкур йўл белгиларини ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ички ишлар бўлими (Р.Жалолдинов)га ушбу ҳудудда ҳаракатланувчи транспорт воситаларини мазкур йўл белгиларига қатъий риоя қилинишига ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур қарор оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

6. Хўжаобод туман ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари С.Хамзаевга ушбу қарорни “Хақиқат” газетаси ва туман ҳокимлиги расмий веб-сайтига жойлаштириш вазифаси топширилсин.

7. Ушбу қарорни ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари З.Абдураҳмонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **З. Ахмадалиев**